Биргина мисол: жамият акциядорлари Асад Очиллов катта умидлар билан 38 дона акция сотиб олганди. 2005 йил якунига қўра, у бор-йўғи 729 сўм 98 тиен дивиденд олди. Ана энди ҳозирги пайтда бу пулга нималар харид қилиш мумкинлигини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

Маълум бўлишича, жамият 2006 йилни 24 миллион 118 минг сўм соф фойда билан якунлаган. Тумандаги қишлоқ ҳўжалик корхоналари ва фермерларга жорий йилда 915 миллион 300 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. 170 нафар ишчи хизматчининг ўртача ойлик иш ҳақи 66 минг 500 сўмни ташкил этгани ҳолда, йил давомида 110 миллион 200 минг сўм маблағ ойлик маош сифатида тарқатилган.

— 2006 йил якунларига бағишланган умумий йилгилиши акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонунга биноан йилнинг биринчи ойлги ойлигида ўтказишимиз зарур. Шунга қўра, бу йилгига тайёргарлик қўриямиз. Хуллас, қўрилган соф фойданинг 9 миллион 647 минг сўми дивиденд учун ажратилди. Яъни ҳар бир акцияга ўртача 24 сўм 65 тиендан ҳақ тўла-

ҳақининг 600 бараваридан 900 бараваригача микдорда жарима солиниши белгилаб қўйилган. Аммо ордан 11 ой ўтаётгани, юқоридаги тўловлар тўлалиши у ёқда турсин, бу масала билан шуғуланувчи бирон-бир масъул шахс вилоятда топилмапти. Ваҳоланки, 2005 йил дивидендлари учун 8 миллион 817 минг сўм маблағ ажратилган. Икки корхонанинг 2 миллион 42 минг сўмлик дивиденд тўғри келган. Бу сизга «ўз жойини топиб кетган». Шу тарика акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун талаблари қўпол равишда бузилган.

Биз юқоридаги ҳолатларни шарҳлаб беришар деган ниятда, акциядорлик, жамияти Қазатув Кенгаши расиси Ҳўдощон Маматов ва бош ҳисобини Олим Велуллоевларни сўроқладик. Аммо баъларча ҳаракатларимиз зов кетиб, уларни топилмадик.

Мақолага нуқта қўяр чоғимизда ана қатор мулохазалар дилда чарх ураверди: мамлакатимизда иқтисодий соҳасида қўлаб қўйиб ишлатилган амалга оширилмоқдаки, айни кунларда уларнинг салмоқли самараларининг шохиди бўлиб турибди. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, утган йилда янги ички маҳсулотнинг 7,3 фоизга ўсганини, ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ ҳўжалигида 6,2 фоиз ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларининг 19,5 фоизга ортагани юртимизда бунёдкорлик, яратувчилик йўлида эришилган натижалар ойнасидир. Уларнинг асосини халқимизнинг залворли меҳнати самаралари ташкил этади. Ҳали бу борада қўлаб қўйиб ишлар ҳам амалга оширилиши мукяррар. Қувонларни томонини шундаки, бу ҳаракатлар замирида фақат ва фақат элу халқ манфаатида хизмат қилиш омилли муҳасамдир. Нарҳоти, бу улғувроқ ҳаракатларнинг шаъбадаси Сайхунобод тумани МТП АЖ дарвозасидан кирмаган бўлса! Умуман юқоридagi нуқсонли ҳолатларда нуқта олдинда, бироз бўлса-да, қимирлаш пайти келмадимкин?! Ахир, қимирлаган қир ошар, дейдилар қўра...

«Шарқ» фермер ҳўжалиги ерларидан ўн километр олисликда Юқори четтабоси қишлоғи бор. Қишлоқ атрофидagi ерларда кейинги йилларда бир неча киши фермер ҳўжалиги ташкил этиб, ишлаб кўрди. Бироқ «Ернинг умурдорлиги яхши эмас, даромад кетган ҳаражати қопламайди» деган баҳона билан ариза бериб ерни топширишди. Шундай қилиб, 267 гектарлик ер майдонини бушаб қолди. Деҳқончилик қилишга ҳеч қимнинг юраги дов бераман ушбу ер майдонларига Хўро ақа даъвогар бўлди. Утказилган танловда голий чикди.

**Абдуғаффор ОМОНБОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

**Юртимизда фермерлик ҳаракати бошланганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ ушбу ҳаракат бугун ўзининг истиқболини кўрсата бошмоқда. Тўғри, бошқа бу ишга «Фермерликми, фермерлик» деган оний тасаввур ва кайфиятда қўшилиб қолганлар ҳам бўлиб. Лекин қишлоқдаги бугунги иқтисодий ислохотлар уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаяпти. Дангасалик, бироз тайёрлаб беришни кўтиб ўтирадиган иллатлардан ҳоли, давр ва замон талабини тўғри англаб, ишга онгли муносабатда бўлаётган, менинг далам, менинг мулким деб ишлайётган деҳқонга омад кулиб боқмоқда. Биз Булғунгара борасидаги туман раҳбарлари фермер Хўро Жўраев ҳақида «Ҳар қандай мумкинлик ўзи ҳақ этади, ўзгалардан ёрдам кўтиб, қўла қовутириб ўтирмайди, ҳақиқий тантти ва ишини кўзини биладиган фермер» деган илиқ гапларни айтишди.**

**Bugunning gapri**

**Мардлари бор юрт**

Х.Жўраев 1993 йилда «Шарқ» фермер ҳўжалигини ташкил этган экан. Деҳқончилик қилиб келинаётган 34 гектар ер майдонидан галла, сабзавот экинлари ҳамда узумдан олинаётган ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб бораёпти. Масалан, тўрт йил муқаддам галланнинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олинган бўлса, утган йили бу кўрсаткич 55 центнерданга тўғри келган. Ер ости сизот суви яқин майдонда бундай юқори ҳосил олиш учун деҳқон ернинг тилини ҳам, ишининг кўзини ҳам яхши билиши керак.

Фермер ҳўжалиги иш бошлаганидан буён утган ўн тўрт йил ичида битта галла ўриш комбайни, битта чоғик, битта транспорт трактору ва иккита тиркама сотиб олди. Албатта, моддий манфаатдорлик йўқ жойда ишининг унимиям бўлмайдди. Фермер бу борада ҳам бошқа фермерларга ўрнатилган ишларни амалга оширмоқда. Ҳар бир ҳўжалик аъзосига ойлик маошидан ташқари йиллик ҳосилдан бир тоннадан бугдой муқофот тарқасида ажратилмоқда. Бундан ташқари, ҳўжалик аъзоларининг тўй маракасига оғир-енгил кунларига фермер доимо камарбаста. Қолаверса, фермер ҳўжалик ишларидан ҳам четда тургани йўқ. Унлаб кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга қишлоқни ободонлаштиришдан тортиб, мактаб, касалхона, болалар боғчаси ҳомийлигини ҳам ўз зиммасига олган.

«Шарқ» фермер ҳўжалиги ерларидан ўн километр олисликда Юқори четтабоси қишлоғи бор. Қишлоқ атрофидagi ерларда кейинги йилларда бир неча киши фермер ҳўжалиги ташкил этиб, ишлаб кўрди. Бироқ «Ернинг умурдорлиги яхши эмас, даромад кетган ҳаражати қопламайди» деган баҳона билан ариза бериб ерни топширишди. Шундай қилиб, 267 гектарлик ер майдонини бушаб қолди. Деҳқончилик қилишга ҳеч қимнинг юраги дов бераман ушбу ер майдонларига Хўро ақа даъвогар бўлди. Утказилган танловда голий чикди.

— Танловда голий чикди, ерни қўлга киритган, биринчи эътиборини ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратдик, — дейди фермер. — Ерларнинг захини қонириш мақсадида майда-майда зовурлар қазидирдик. Бўш қолдик, дегунча хонадонлардан маҳаллий ўғит чиқариб дала бошида қопмост босдик.

Фермер утган йил кузида мавжуд майдоннинг 140 гектарига галла уруги қадади. Бугдойнинг «Шавкат», «Қрошқа», «Солянка» навлари, шунингдек 50 гектардаги арпа аллақча қонини сўвдан чиқарилган. Ҳар гектарга 200 килограмдан минерал ўғит берилгани

боис жижа усулидан биринчи сувга қонган майсалар ям-яшил тус олиб баравж ўсаяпти. Парваришланаётган галладан фермер ҳўжалиги аъзоларининг умидлари катта. Унинг ҳар гектаридан давлатга 27 центнердан 378\*тонна дон топшириш контрактация шартномаси имзоланган. Аслида эса деҳқонлар ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказишни кўзлашяпти. Давлат эътибжи бажарилиб, фермер ҳўжалиги омборида 182 тонна дон қолади. Бу эса фермер Х.Жўраев ва унинг аъзоларига ойна сутда ҳалол тон.

Баҳорнинг биринчи ойи — мартнинг дастлабки кунлари ҳаво оқиб келди. Қувишли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш улар эътиборида турибди. 20 гектар майдонда дон ўчириш мақсадида, яна шунча майдонга давлага, 10 гектар майдонга помидор экиш керак. Қунгабоқарга ҳам жой тайёрлаш зарур. Ерлар ҳозирдан тайёрлаб қўйилмаса ҳадемай қувш қазидирлик билан одам шошилай қолиши ҳеч гап эмас. Деҳқончилик таомили шундай. Ҳар юмушни деҳқон ўз вақтида баҳармаси кейинги пўшаймондан ҳечам фойда йўқ.

— Ҳозир ўн гектар майдонни пиёз экишга тайёрлаб қўйилди, — дейди Хўро ақа. — Барноуллик тадбиркорлар билан пиёз етказиб беришга шартнома тўзганмиз. Улар бизга маҳсулотимизни олиб, эвазига тахта-ёғоч, уруклик қартошка беришмоқчи.

Дарҳақиқат, Хўро ақа ва икки сингари етиштирган маҳсулотини республикадан четга чиқариб, у ёқдан ўзимизга кераклик маҳсулот республикамизга олиб келаятган фермерларни фақат қўллаш керак.

Республикамизда ҳар бир фуқароннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи қонунлар билан кафолатланган. Хўро ақа 34 гектарлик майдонда фермер ҳўжалиги юритиб соҳада бой тақриба ор



Tahlil va saboq

«Одамлар нега шикоят ёзади»

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ:

(Иккинчи мақола)

жамият олдидаги бу икки вазифани унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Тахририят хаткутисига келиб тушадиган шикоят-аризаларни варақлаб, бир хулосага келиш мумкин. Қаердаки, масъулият ва бурч ҳисси унутилса, шубҳасиз, уш жойда шикоятбозлик, гуруҳбозлик ва асаббузарлик авж олади. Куйдаги мисоллар ҳам бизнинг юқоридagi фикрларимиз ҳақлигини исботлаб бера олади, деб ўйлаймиз.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Калон мавзеси 2-уйда яшовчи фуқаро Ш.Азизов бир муаммо юзасидан ўтган 2006 йилда газетамизга шикоят-ариза билан мурожаат қилган эди. Тахририят ушбу аризани ўз вақтида «Фуқароларнинг мурожаатлари» тўғрисидаги қонун талабларига асосан, тегишли идораларга жўнатган. Лекин яқинда Ш.Азизовнинг турмуш ўртоғи Норуллоев Азизовнинг тахририятга ёзган такрорий аризаси бизни ўйлантириб қўйди...

Келинг, аввало шикоят хатининг мазмунига қисқача тўхталиб ўтайлик.

«...Биз яшаб турган уйдаги айрим кўчаларда амалдаги қонун талабларига бўйсунмасдан, уй ертўласини металл тўсиқлар билан ўраб, ўзаро тақсимлаб олган. Бизнинг аризаларимиздан сўнг, улар тўсиқларни наридан-бери олиб қўйган бўлди. 1- ва 2-хонадон ағаси Рихсидой Юнусов уйга кириш йўлининг бир томони билан йўлнинг бир томони билан қаватларда истиқомат қилувчи Х.Алимов ва 3.Йўлдошевлар бизнинг балкониимиз ён деворини 25-30 сантиметр ўйган ҳолда ўзлари учун қўшимча хоналар қуришган. Оқибатда бинонинг муайян қисми сейсмик талабларга жавоб бера олмайди, фақуллода вазиятларда аҳолининг ташқарига чиқишига, эҳди билан баҳариландирилган ишларни амалга оширишга халақит берадиган даражага келиб қолган...»

Шикоят хатининг қисқача мазмунини шундан иборат. Н.Алимова 2002 йилда ҳам айнан ана шу мавзудаги шикоят билан «Халқ сўзи» газетасига мурожаат қилган, ўз навбатида Собир Раҳимов туман ҳокими муовини газетига аризада тилга олинган муаммолар ҳал қилинганлиги ҳақида жавоб хати ёзган экан. Буни қараган, орадан ролпа-роса тўрт йил ўтиб, Н.Алимововнинг такрорий шикояти асосида журналистик текшируви ўтказган «Халқ сўзи» газетаси «Елгон фoш бўлди» (2006 йил 16 июн сони) сарлавҳали мақола эълон қилиб, муаммо ҳамон ҳал этилмагани ҳақида чиқиш қилган. Ана шундан сўнг ҳам аризада кўтарилган масала ўз қонуний ечимини топмагач, ариза «Инсон ва қонун» газетасига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

«Инсон ва қонун» газетаси аралашгач, шикоятчи ва тахририятга Бош прокуратура бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси Э.А.Данилия ва Тошкент шаҳар прокуратурининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М.Мирзаев имзолари билан жавоб хати келган. М.Мирзаевнинг жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади: «...Муқаддам тушган мавзудаги ариза ҳамда «Халқ сўзи» газетасида 16.06.2006, чоп этилган «Елгон фoш бўлди» сарлавҳали мақола юзасидан Собир Раҳимов туман прокуратураси томонидан текширув ўтказилиб, мажбур ҳолат юзасидан С.Раҳимов тумани,

«Аҳмад Яссавий» уй-жой мулкдорлар ширкати раиси томонидан ноқонуний қурилмани бузиш ҳақида Шайхонтоҳур туманлароқ фуқаролик ишлари бўйича судга даво аризаси киритилган...»

Албатта, ушбу жавобдан сўнг тахририят ва шикоятчи муаммолари масала суд жараёнида ўз қонуний ечимини топади, деб ўйланган. Лекин... Хамма гап ана шу лекенда.

Аризани тахририятга йўллаган такрорий шикоят хатида судга даъвогар «Аҳмад Яссавий» уй-жой мулкдорлар ширкати вақили келмагани сабабли, суд иши тўхтатилгани ҳақида ёзган...

Демак, яна муаммо ўз қонуний баҳосини олмаган. Яна ёш-ёш, яна аризагўйлик ва яна оворагарчилик давом этади. Вақолачки, ушбу масала 2002 йилнинг ўзидаёқ маҳалланинг ўзида, бориинки, туман ҳокимиёти аралашуви билан ҳал этилиши мумкин эди. Лекин мутасаддиларнинг бефарқлиги, ўз ишига панжа орасидан қараши, энг асосийси, «Фуқароларнинг мурожаатлари» тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилмагани шикоятчининг аризабозликни давом эттириши ва қўни-қўшинлар ўртасидаги келишмовчилик ва зиддиятларнинг авж олиб кетишига сабаб бўлган. Уйлаймики, мақола чоп этилган, тегишли идоралар мутасаддилари ушбу муаммони бартараф этиб, унинг қонуний ечимини топадилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, биз бугун-

ги мақоламизга атайлаб ўз жойида ҳал бўлиши мумкин бўлган, лекин жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва ўз бурчларини етарли даражада баҳармаётгани боис чиғаллашиб кетган муаммоларни мавзу қилиб олдик.

Навбатдаги шикоят хати ҳам юқоридagi фикрларимизни исботлайди, деб ўйлаймиз. Ушбу шикоят мақбули тахририятга Наманган вилояти, Қосонсой тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси У.Валиевлар аралашиб, низоли уйни акам ўз ҳовлисига қўшиб олишига рухсат беришди. Қайта-қайта мурожаат этишимга қарама-дан, улар менинг сўзларимни эшитиши ҳам истамади. Туман ҳокими ва тумандаги бошқа тегишли идораларга ёзган шикоят хатларимга ҳам қоникарли жавоб ололмадим. Шунинг учун сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Хурматли тахририят ходимлари! Менинг қуйдаги саволларимга жавоб топшида ёрдам берсангизлар. Ака-укалар ўртасида меросни бўлишга маҳалла фуқаролар йиғини ва туман «Маҳалла» жамғармаси раҳбарларининг қай даражада ҳуқуқлари бор? Негга улар

рими ўнлаб, ортиқча асаббузарлик ва аризабозликларга ўрин қолмайди. Тўғриси, биз байрам арафасида танқидий мақола ёзиб, бирининг кўнглини ранжитиш ниятида эмасдик. Лекин на илож, вазирамиз шу. Фуқаро тахририятга ишониб ариза билан мурожаат қилган. Биз унга жавоб беришимиз шарт. Бу қонун талаби. Сўнгсўз ўрнида эса шуни айтиш керакики, Наврўз нафакат яшариш ва янгилик байрами, балки у саховат ва меҳриқабат байрами ҳамдир. Шундай экан, келинг, бир-биримизга нисбатан озгина меҳриқабат, озгина оқибатлироқ ва яна озгина кеҳиримлироқ бўлайлик. Ана шунда юқоридagiдай кўнгилираниларга ўрин қолмайди!

Е фикримиз нотўғрими? Ислол ҲАМРО, «Инсон ва қонун» муҳбири

ака-укалар ўртасида низоли тинч йўл билан бартараф қилиш ўрнига бир тарафга ён босиб, келишмовчиликни чуқурлаштириб юборишди? Умуман бизга мерос масаласидаги муаммони ечишда ким ёрдам бериши мумкин?..»

Азиз муштарий, бу ўринда ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, ариза ака-укалар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар хусусида ёзаяпти. Ваҳоланки, бу муаммо марказий матбуотда ёритилмаган даражада жиддий эмас. Чунки ушбу масалани «Гулистон» маҳалласи ёки Қосонсой туманининг ўзида ҳал қилиш, аризагачи тегишлича тушунтириш бериш мумкин эди. Лекин бундай бўлмаган. Шунинг учун ҳам биз журналистиканинг «хат ортида инсон бор», деган ёзилмаган қонунига риоя этган ҳолда ушбу аризани эътиборга саҳифаларда чоп этишга қарор қилдик.

Энди аризагачининг саволларига келсак, албатта, ака-ука ўртасидаги низоли уй-жой масаласининг қонуний ечимини фуқаролик ишлари бўйича судга топилди. Бунинг учун ака-укалардан бири судга мурожаат қилишлари лозим. Энди масаланинг иккинчи томони, «бизнинг ўртасидаги низолини чуқурлаштириш кетишига маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва туман «Маҳалла» жамғармаси раисининг аралашуви сабаб бўлди», деган даъво ҳам суд жараёнида қонуний жавоб олиш мумкин. Биз эса шуни айтиш керакики, маҳалла қадим-қадимдан икки кишининг ўртасидаги низолини чуқурлаштиришга эмас, аксинча, маҳалла аъзоларининг ўзаро тинч-тозу ва оқибатли бўлиб яшашларига хизмат қилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади...

Каримнинг касби ўқитувчилик. Отаси ҳам ўқитувчи эди. Шунинг учун ҳам у ёшайида айрим ҳамқишлоқ-тенгдошларидек кўча чағитиб юрмаган. Отаси фарзанд тарбиясида жуда қаттиққўл ва талабчан эди. Карим ва унинг олти нафар ака-опалари ҳар кун кечки пайт навбат билан отага кундалиқларини келтиришар, ота олган баҳоларга қараб ё фарзандларини муқофотлар ёки жазоларди. Муқофот бир оғиз «баракалла», деган сўз ва меҳри ийиб кетганда боланинг елкасига қоқиб қўйиш. Жазо эса, қўшимча икки соат дарс тайёрлаш эди. Хуллас, ана шу биргина «баракалла»ни эшитиш учун етти фарзанд тинимсиз ўқиб-ўралишар, катталар кичикларига билмаганларини ўргатарди...

Turmush chorrahalarida

Ота меҳри

Ана шу қаттиққўллик, талабчанлик ва тарбиянинг махсули ўлароқ, вақти келиб фарзандларнинг ҳаммаси мўмин-қобил бўлиб воғга етди. Еттовчи ҳам олий маълумот олди. Ҳар бири ўз соҳиси бўйича эл-юртнинг қорига ярайдиган мутахассис бўлиб етишди. Ота-она учун фарзанд камолини қўришдан ҳам олийроқ бахт йўқ. Бир умр ўқитувчилик қилган Раҳим муаллим бугун ўзини элнинг олди ҳисоблайди. Нафақада бўлса-да, ҳаммиса тўймақанинг тўрида ўтиради. Хурмат-иззати жойида.

Айниқса, кенжаси Каримнинг институти битириб, шаҳарда қолиши отанинг қўйсини тоғ қилди. Дарҳақиқат, Карим ёшлариданки тиришқоқ ва ҳаракатчан бола эди. Ушлаган жойидан кесмасдан қўймасди. У олий ўқув юртида ҳам тезда ўзини қўрсатди. Беш йил мобайнида курсбоши бўлди. Синов дафтарчасига бирорта ҳам тўрт баҳо туширмади. Шунинг учун ҳам у курсдош талабаларнинг ҳурмати ва устоз-домллаларнинг эътиборини қозонди. Ана шу тиришқоқлик, домллаларнинг эътибори унинг аспирантурада қолишига сабаб бўлди. Йўқ, у бошқа аспирантурага ўшаёқ олий даргоҳ тўғрисида ўн-ўн беш йиллаб ялаб юрмади. Орадан уч-тўрт йил ўтган-ўтмас номзодлик дипломинини қўлга олди. Бир пайлар ўзи таълим олган институтда ўқитувчи бўлиб ишлаш бошлади. Раҳим муаллим эса, орузларини ушлатираётган кенжатоийни дуо қилиб чарчамасди...

Тушди. Оғир ўй-хаёллар гирдобидан қолган Раҳим домла машина тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Кампирининг ёнлиғига туркисидан ўзига келиб қараса, машина дангиллама ҳовлининг дарвозаси олдида турибди. Ичкаридан машҳур ҳофизлардан бирининг қўйсини таралапти. Машинадан аввалроқ тушиб улгурган қўшни йигит, зум ўтмай Каримхон билан чиқиб келди. Ота-бола қўчқолашиб қўришдилар. Ўғли билан қўришар экан, ундан аниқтан қўланса хид Раҳим муаллимнинг кўнглини ағдариб юбораёзди. Бир умр ичкиликни оғизга олмаган ва фарзандларини ҳам шундай тарбиялаган ота ўғлига ёвқараш қилди. Карим ҳам отасининг нерозини нигоҳини сезди. Лекин сезмагандек онаси томон таллинди...

Ҳовли баайни жаннатга ўшади. Айлана гулзор. Ўртада қамаланган товланаётган фаввора. Ҳовли ўртасига қўйилган сўрида ҳофизлар, теваврақдаги столларда меҳмонлар ўтиришарди. Карим отасини қўлидан тутиб, ҳовли тўридаги стога бошлади. Аввалига «қўшқоқ чоғ» бозорбошқор ўтирган басавлат одамлар, Каримнинг «бу қизи бизнинг бобой», деган лўғидан сўнг Раҳим домлани тўра олиди. Қўлоқлари «ота», «отажон» деган сўзларга ўрганган Раҳим муаллим яна ўғлига ёвқараш қилди. Карим бу гал ҳам сезиб сезмаганча олди. Басавлат меҳмонларга хизмат қилаётган бақувват, қўйлақ тугмалари киндигига очик, қабашара (Бу Раҳим муаллимнинг назарида) йигит қўлида икки ишша билан Раҳим муаллимнинг ёнига келди.

«Оқидан қўйимни ёки қизили маъқулни? – Раҳим муаллим аввалга йигитнинг сўзларини англамади. Тушунган эса, кескин рад қилди. Шу орада аллақачон ёнига ўтириб олган Каримнинг овозини эшитди. – Бизнинг бобой ичмайди. Чой олиб кел...»

Раҳим муаллимнинг қўлоғига меҳмонларнинг алмойи-алхойи гаплари кирмас, у қачон ва қай пайтда ўғлининг бунчалик ўзгариб қолганидан ҳайратланиб ўтирарди. Бир пайт меҳмонлар бири-бирдан бепарда латифа айта бошлади. Ҳатто Карим ҳам худди отаси ёнида эканлигини унутгандек умумий қўлгига қўйилар, ўзи ҳам латифа айтарди. Ота ўридан оғир қўзғалди. Азбаройи хурмат юзасидан меҳмонлардан уэр сўраган бўлди. Аёллар даврасида ўтирган кампир ҳам чоли турганини қўригани ҳамноқ қўзғалди. Унга Каримнинг хотини ҳам қўшилди. Келин билан номиниғана сўрашган Раҳим муаллим чарчагани ва дам олмоқчи эканини айтди. Қайнотасининг феълيني яхши биладиган келин уларни уйга бошлади.

Тўғриси, уй ичидagi хашамни қўрган Раҳим муаллим билан Ҳанифа ҳоланинг оғизлари очилиб қолди. Келини уларга иккинчи қаватдаги хоналардан бирига ўрин солиб бериб, қайнорасига тил учиди бир-икки «юринг-юринг» қилгач, хонадан чиқиб кетди. Ва ниҳоят, Раҳим муаллим «портлади»!

«Бу менинг ўғлим эмас! Кампир уни босишга ҳаракат қилди!» – Жон отаси, нима бўлса ҳам меҳмонлар олдида индамай туринг. Эрталаб ўзи билан гаплашарсиз...»

Кампирнинг илтимослари тасвир қилдимиз ёки ўзи ҳам ўғлини дўст-ёрлари даврасида кўнглини қолдиргиси келмади, Раҳим муаллим ноилж тўшакка ёнбошлади. Тўй тонги уч-тўртларгача давом этди. Лекин Раҳим муаллим эрталабгача миждоқ қолмади. Нафас олмай ётган бўлса-да, кампир ҳам ухламаётган эди. Тонг бўзариши билан турган Раҳим муаллим таҳорат олишга чиқди-ю, ҳовлидаги ҳолатни қўриб ирганиб кетди. Ҳамма ёқда бўш ишларлар. Овқат қолдиқлари, Ҳатто оёқ остида нон парчалари ҳам қўзга ташланарди...

(Давоми келгуси сонда)

Бугунги кунда иқтисодийетимизни эркинлаштириш йўлида амалга оширилган ислохотлар натижасида кўплаб соҳаларда ривожланиш яққол кўзга ташланди. Хуесан, ташқи савдо фаолиятида сезиларли ютуқларга эришилди. Чўнчи, 2006 йил жаҳон бозорларида мамлакатимиз экспорт қилаётган товарларига қўлай нарх конъюктураси кузатилади. Пахта хомашёси ва пахта нархлари юқори даражада сақланиб турди.

Mitti maslahat

Ташқи савдо

уни эркинлаштириш чора-тадбирлари


2006 йилда юридик шахслар даромадидан олинмаган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивидент ва фоизлардан олинмаган солиқлар 15 фоиздан 10 фоизгача, ағона ижтимоий тўловлар эса 31 фоиздан 25 фоизгача қамайтирилиши натижасида республикамиздаги корхона, компания ва хўжаликлар ўз молиявий ресурсларини қўшимча 425 миллиард сўмга қўлайитириди. Бу эса, инвестицияларнинг ўсишига олиб келди. Шунингдек, ўтган йилги махсулот экспорти ҳажми 31,5 фоизга, яъни 2000 йилга нисбатан 2 баробарга ўсди.

Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдыси 2 миллиард АҚШ долларигача ўсди. Экспорт ҳажмининг бу тарзда ўсиши асосан автомобиль, нефт-кимё, металл махсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама махсулотлари, қурилыш материаллари ҳамда бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини қўлайитириш эвазига таъминланган.

Мамлакатимиз кичик корхоналарида махсулот тайёрлаш ва уни экспорт қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги махсулотларини еттиштириш, уларни қайта ишлашда ижобий натижаларга эришаётир. Бироқ бу махсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишнинг, жумладан, экспорт қилишнинг (пахта ва дон махсулотларидан ташқари) самарали тизими мавжуд бўлмагани туфайли ишлаб чиқарувчилар кўпинча ишлаб чиқариш ва ташқи харажатларини қоплаш имкониятига эга эмас. Бу эса, еттиштирилган ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлишига олиб келаятир.

Маълумки, амалиётда ишлаб чиқариш билан алоҳида бир тизим шугулланса, уни сотиш ва экспорт қилиш билан бошқа бир тизим машғул бўлади. Экспортга ихтисослашган воситачи фирмалар бу муаммоларни профессионал даражада ҳал этади. Демак, хозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 190 мингга яқин фермер хўжалиқларининг яғона тизимини яратиш лозим, бунинг учун, биринчидан, ҳар юз элликта фермер етиштирган махсулотни қайта ишлаб чиқариш учун биттадан рақобатбардўш корхона ташкил этиш керак. Иккинчидан, ҳар бир вилоятда қайта ишлаш корхоналари учун биттадан махсулотларини экспорт қилувчи профессионал ташқи савдо корхонасини ташкил этиш ёки мавжуд ташқи савдо компанияларига бу масъулиятни вазифани юклаш зарур. Учунчидан, бундай ташкилот ва корхоналарга ҳам ишлаб чиқарувчи ва экспортчилар учун берилган имтиёзли шароитларни яратиш бериш даркор. Чунки фермер махсулотларни қайта ишлаб чиқаргани билан экспорт қилиш имкониятига эга эмас. Фермер ва кичик корхоналар учун экспортга махсулот чиқаришда йўл ҳақи харажати, жаҳон бозори маркетингини ўрганиш каби харажатлар анча қимматга тушади. Бундан ташқари, фермерларимизнинг ташқи иқтисодий фаолият бўйича билимлари, тажрибалари яхши шакланмаган. Шунинг учун, фермер махсулотини қайта ишловчи ва экспорт қилувчи профессионал тизим ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жасурбек МАТРАСУЛОВ, ТДЮИ талабаси



«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Сизларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклайди ва даромадларингизни қўлайитириш учун Сизларга янги омонат турларини таклиф қилади.

Миллий валютада «Соғлом келажак» омонати сақланиш муддати 1 йил, йиллик 18%. Омонатнинг бошланғич бадали 1 миллион сўм.

Ўқибланган фоизлар миждознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, омонатчиларга «Асака» банкнинг сўм пластик қарточкалари имтиёз тарқасида берилади. Шунингдек, хорижий валютада 6 ойлик, йиллик 8 фоизли омонатни ҳам тақдим этади.

Омонатнинг бошланғич бадали 2000 АҚШ доллари. Ўқибланган фоизлар миждознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан жалқаро «Master Card» пластик қарточкалари имтиёз тариқасида берилади.

Бундан ташқари, ДАТ «Асака» банки қуйдаги омонат турларини таклиф этади

Table with 2 columns: Миллий валютадаги муддатли омонатлар, йиллик 18%

Table with 2 columns: Хорижий валютада, йиллик 6%, йиллик 17%

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин

Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» Қонуни билан муҳофазаланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87.

ИНСОН ВА ҚОНУН. 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: БОБОМУРОД РАЙИМОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрвич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна...

Навбатчи: Аслидин СУЙУНОВ. Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ. Индекс: 646882.

МАЪЛУМОТИ: 100047, Тошкент ш. Сайлиққў кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50. inson\_va\_qonun@mail.ru